

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**“Дастурий маҳсулотлар ва ахборот  
технологиялари технологик парки  
дирекцияси” МЧЖ  
директор ўринбосари**



**Ф.А. Арипжанов**

**2022 йил**

**“ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ТЕХНОЛОГИК ПАРКИ ДИРЕКЦИЯСИ” МЧЖНИНГ “IT-MARKET.UZ”  
ПОРТАЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БУЙИЧА ТАЛАБЛАР**

**БУЮРТМАЧИ: “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари  
технологик парки дирекцияси” МЧЖ**

Тошкент 2022

## МУНДАРИЖА

|   |       |   |
|---|-------|---|
| УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР                            | ..... | 3 |
| 1. ХУЖЖАТ ПРЕДМЕТИ                            | ..... | 4 |
| 2. ТАШКИЛОТЧИ (БУЮРТМАЧИ)                     | ..... | 4 |
| 3. ИШТИРОКЧИЛАР                               | ..... | 4 |
| 4. ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР        | ..... | 5 |
| 5. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ЖАРАЁНИНИ      | ..... | 5 |
| ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЛИ                              | ..... | 5 |
| 6. ТАКЛИФЛАР ВА УЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ | ..... | 5 |
| 7. ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ                  | ..... | 6 |
| 8. ТАКЛИФЛАРНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ              | ..... | 6 |
| 9. БОШҚА ШАРТЛАР                              | ..... | 7 |
| 10. ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШ                         | ..... | 7 |
| 11. ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ                         | ..... | 8 |

## УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Мазкур энг яхши таклифларни танлаш бўйича талаблар (кейинги ўринларда – Танлов) “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ (кейинги ўринларда - IT-Парк) томонидан маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 4 апрелда тасдиқланган “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон қонуни асосида “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖнинг “it-market.uz” порталинининг техник модернизация қилиш хизматини ишлаб чиқиш бўйича хизматини кўрсатишда энг муқобил таклифларни олиш учун танлов ўтказиш ва иштирок этиш тартибини белгилайди.

Ушбу ҳужжатда куйидаги тушунчалар қўлланилади:

**Буюртмачи** - “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ;

**Энг яхши таклифларни танлаш** - харид қилиш тартиб-таомилларининг бир нечта иштирокчисидан олинган таклифларни таққослаш асосида давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатли усули;

**Эълон** - давлат харидларини амалга ошириш усули, талаблари ва шартлари, таклифларни тақдим этиш муддатлари ҳамда тартиби кўрсатилган, махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига давлат буюртмачиси томонидан жойлаштириладиган бўлажак давлат харидлари тўғрисидаги ахборот;

**Таклиф** – мазкур танлов ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида тайёрланган ҳамда Танлов Комиссиясига тақдим этилган тижорат таклифи;

**Иштирокчи** - мазкур танлов ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида тижорат таклифини тақдим этган жисмоний ёки юридик шахс;

**Иштирокчининг вакили** - танлов иштирокчиси томонидан берилган ишончнома асосида таклиф бериш ҳуқуқига эга бўлган ваколатли шахс. Иштирокчининг вакили фуқаролик паспорти билан қатнашиши шарт;

**Ғолиб** – харид қилиш тартиб-таомиллари яқунларига кўра таклифи энг мақбул деб топилган харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси.

### 1. ҲУЖЖАТ ПРЕДМЕТИ

Танловнинг асосий мақсади “it-market.uz” порталинининг техник модернизация қилиш хизматини ишлаб чиқиш бўйича хизматни кўрсатиш учун энг муқобил таклифларни олишдан иборат.

#### 1.1. Танлов валютаси.

Таклиф этилаётган хизматни бажариш учун нархлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси (сўм)да акс этирилиши зарур.

#### 1.2. Танловнинг максимал нархи

Таклиф этилаётган хизматни бажариш учун таклиф этилаётган нарх Буюртмачи белгилаган ҚҚС билан 86 400 000 (саксон олти миллион, тўрт юз минг) сўмдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

## 2. ТАШКИЛОТЧИ (БУЮРМАЧИ)

### 2.1. Танловни ташкил этувчи (кейинги ўринларда - Буюртмачи):

“Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ.

Буюртмачи манзили: 100164, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Тепамасжид кўчаси 4-уй.

Электрон почта манзили: [info@it-park.uz](mailto:info@it-park.uz).

Телефон рақами: (+99871) 209-11-99.

Масъул шахслар:

Худаев Лазиз - Резидентларни рўйхатга олиш ва мониторинг қилиш бўлими бошлиғи

Тел: +998 99 710-60-13

Электрон почта: [l.khudaev@it-park.uz](mailto:l.khudaev@it-park.uz)

### 2.2. Танловни ўтказувчи.

Танлов, Буюртмачи томонидан тузилган, беш нафар аъзодан иборат Харид Комиссияси томонидан ўтказилади.

## 3. ИШТИРОКЧИЛАР

### 3.1. Танловда иштирок этиш.

Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар исталган юридик шахслар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин.

*А) Танловда иштирок этиш учун, танлов иштирокчиси қуйидагиларни амалга ошириши лозим:*

- танлов шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон нусхасини олиш (кўчириш);
- танлов ҳужжатлар шартларига мувофиқ танлов ҳужжатларини электрон топшириш.

*Б) Қуйидаги иштирокчиларнинг танловда қатнашишига йўл қўйилмайди:*

- қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик босқичини бошидан кечираётган;
- “Буюртмачи” билан судда ёки ҳакамлик судида тортишаётган;
- Ноҳалол ижрочиларнинг ягона рўйхатига киритилган;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги бор;
- имтиёзли солиқ режимини берувчи ва/ёки молиявий амалиётларни ўтказишда маълумотларни ошкор қилиш ва беришни кўзда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор зоналар) рўйхатдан ўтган ва банк ҳисобрақамларига эга бўлган.

*В) Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиш таомилида иштирок этишдан четлаштиради:*

- у тўғрисида Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса;
- унда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;
- ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса;
- иштирокчи харид қилиш ҳужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;
- иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш

тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;

- иштирокчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек, аффилиланганлик ҳоллари аниқланса.

#### **4. ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

##### **4.1. Қўйидаги талабларга жавоб бермайдиган иштирокчилар танловга қўйилмайди:**

Иштирокчилар қўйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:

- шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;

- солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

##### **4.2. Танлов гарови:**

Танлов иштирокчиси танловда иштирок этиш учун хизматни бажариш учун таклиф этилаётган максимал нархининг 3% гаров сифатида тақдим этиши лозим.

Агарда танлов асосида ғолиб 10 иш кун ичида буюртмачи билан шартнома имзолашни бош тортса ва буюртмачининг шартномасидаги талабларини қабул қилмаса, унда гаров сумма буюртмачи ҳисобига ўтиб кетади.

#### **5. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЛИ**

##### **5.1. Таклиф ва шартнома тили.**

Танлов таклифи, иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган у билан боғлиқ бўлган барча ёзишмалар, ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилларида бўлиши керак.

##### **5.2. Танлов шакли.**

Танлов электрон шаклда [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) платформаси орқали ташкил этилади.

#### **6. ТАКЛИФЛАР ВА УЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ**

##### **6.1. Таклифларни тайёрлаш.**

Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.

Танлаш учун таклифларни қабул қилиш махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.

## **6.2. Таклифларни тақдим этиш.**

Порталда эълон қилинган танлов иштирокчилари, ўз таклифларини [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) платформаси орқали ўрнатилган тартибда электрон шаклда юбориши шарт.

## **6.3. Танлов иштирокчисининг масъулияти.**

Танлов иштирокчиси:

- тақдим қилинаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончилиги учун маъсул ҳисобланади.

## **6.4. Таклифларни таъминлаш**

Танлов иштирокчиси танловда иштирок этиш учун хизматни бажариш бўйича таклиф этилаётган максимал нархининг 3% гаров сифатида тақдим этиши лозим.

Агарда танлов асосида ғолиб 10 иш кун ичида буюртмачи билан шартнома имзолашни бош тортса ва буюрмачининг шартномасидаги талабларини қабул қилмаса, унда гаров сумма буюртмачи ҳисобига ўтиб кетади.

## **Танловнинг нархга оид қисми маълумотлари.**

Танлов таклифи танлов шартларига мос бўлган ва қўйидаги маълумотларни қамраб олувчи нархга оид қисмдан ташкил топади: хизматнинг номланиши, хизмат кўрсатиш қиймати, якуний сумма, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиши муддати ва ҳ.з.

# **7. ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

## **7.1. Хизматлар учун тўлов Буюртмачи томонидан қўйидаги тартибда амалга оширилади:**

Шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида Шартнома қийматининг камида 15% миқдорида аванс тўлаб берилади.

Қолган тўлов топшириш-қабул қилиш далолатнома тасдиқланганидан сўнг 60 (олтмиш) банк куни ичида Ижрочининг жорий ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

# **8. ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

**8.1.** Таклиф Қонун, қарор ва танлов ҳужжатлари талабларига жавоб берса, тегишли тарзда расмийлаштирилган, деб ҳисобланади.

Харид комиссияси таклифни берган танлов иштирокчиси Қонун, қарор ва танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса ёки танлов иштирокчисининг таклифи танлов ҳужжатлари талабларига мос бўлмаса, таклифни рад этади.

Танлов таклифларини баҳолаш жараёнида харид комиссияси танлов иштирокчиларидан уларнинг танлов таклифлари бўйича тушунтиришлар сўраб олишга ҳақли. Ушбу таомил расмий равишда, ёзма шаклда танлов иштирокчилари орқали ўтказилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг мазмуни, шунингдек, нархи бўйича бирон-бир ўзгартириш киритилишига йўл қўйилмайди.

Танлов ҳужжатлари ва таклифларида кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган **танлов иштирокчиси ғолиб деб топилади.**

**8.2. Арифметик ёки бошқа хатолар** мавжуд бўлган тақдирда танлов комиссияси, бу ҳақда танлов иштирокчисини хабардор қилгани ҳолда, танлов таклифини рад этишга ёки уларни келгусида кўриб чиқиш бўйича бошқа шартларни белгилашга ҳақли.

**8.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари** таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш баённомасида қайд қилинади.

**8.4. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш баённомаси** танлов комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва ундан кўчирма у имзоланган кундан бошлаб **икки иш куни ичида** махсус ахборот порталида чоп этилади.

Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш баённомаси эълон қилинганидан сўнг танловнинг ҳар қандай иштирокчиси буюртмачига танлов натижаларини тушунтириш бўйича сўров юборишга ҳақли. Бундай сўров келиб тушган пайтдан бошлаб **икки иш куни давомида** танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришлар беришга мажбур.

**8.5. Қўйилган талабларнинг ўлчов мезони:**

Қатнашувчига қўйилган қўшимча талаблар:

|        |   |         |
|--------|---|---------|
| 8.5.1. | – “Ижрочи” Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чоратadbирлари тўғрисида"ги 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон қарорига биноан тендер иштирокчиси IT-Парк резиденти гувоҳномасини тақдим қилиши керак.   | 25 балл |
| 8.5.2. | <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Тизимга талаблар: BackEnd Тизими Python дастурлаш тилидан фойдаланилган ҳолда ёзилиши керак.</li> <li>2. Тизимга талаблар: BackEnd ва FrontEnd тизими Django фреймворкидан фойдаланилган ҳолда ёзилиши керак</li> <li>3. Тизимга талаблар: FrontEnd тизими янги UX/UI —User Experience/User Interface дизайн услубидан фойдаланган ҳолда ёзилиши керак.</li> <li>4. Тизимларнинг ўзаро ҳамкорлиги REST API протоколи асосида амалга оширилади.</li> <li>5. Барча ҳисоблаш ресурсларини ягона ахборот тизимига бирлаштириш учун мултисервис маълумотлар узатиш тармоғи (МСПД) орқали амалга оширилиши керак</li> <li>6. Маълумотлар базаси MySQL, PostgreSQL да ёзилиши керак.</li> <li>7. Тизимга талаблар: Тизим фойдаланувчини хабардор қилиш учун СМС шлюз билан бирлаштирилган (интеграция) бўлиши керак.</li> <li>8. Тизимга талаблар: Тизим очик дастурий API-интерфейсдан фойдаланиши керак.</li> <li>9. Тизимга талаблар: Маълумотни таснифлаш ва кодлашнинг ягона тизимидан фойдаланиш, маълумотларни қўлда киритишни имкон қадар минималлаштириш керак.</li> <li>10.Тизим фойдаланувчиларга ички ва ташқи веб-серверларга кириш ва ихтисослаштирилган сўровларни бажариши мумкин бўлган ягона ахборот майдонини таъминлайдиган веб-технологиялар асосида қурилган очик архитектурага ега бўлиши керак.</li> <li>11. Хавфсизлик конфигурацияси ва қўллаб-қувватлаши ОС (Linux) билан таъминланади</li> </ol> | 25 балл |
| 8.5.4. | <p>- <b>“it-market.uz” порталини такомиллаштириш</b> - техник топшириқ шартларига тўлиқ жавоб бериши ва қуйидаги тажрибага эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- МСПД орқали маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш;</li> <li>- ахборот тизим архитектурасини ишлаб чиқиш;</li> </ul>  | 25 балл |

|  |   |  |
|--|---|--|
|  | <ul style="list-style-type: none"> <li>- ташқи тизимлар билан интеграция шиналарини ишлаб чиқиш;</li> <li>- тизим мониторинг панелини ишлаб чиқиш;</li> <li>- тизимни Солиқ қўмитаси билан интеграция қилиш;</li> <li>- ҳисоботлар модулини ишлаб чиқиш.</li> </ul> |  |
|--|---|--|

Умумий балл қиймати 100 балл (афзалроқ), танловда қатнашиш учун минимал 99 балл тўплаши зарур.

Танловда ғолиб **энг паст нарх берган ҳисобланади** ва электрон тарзида аниқланади.

## **9. БОШҚА ШАРТЛАР**

**9.1.** Танловда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлов ҳақида тушунтиришлар олиш учун ишчи органга мурожаат қилишга ҳақли.

**9.2.** Танлов иштирокчиси буюртмачига танлов ўтказилиши ҳақидаги эълонда келтирилган шаклдаги танлов ҳужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар бериш ҳақида сўров юборишга ҳақли.

**9.3.** Ушбу сўров буюртмачига таклифлар берилиши яқунланиши санасидан камида икки кун аввал келиб тушган тақдирда, буюртмачи кўрсатилган сўров келиб тушган санадан бошлаб икки иш куни давомида белгиланган шаклда танлов ҳужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар юборишга мажбур.

**9.4.** Танлов ҳужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар унинг мазмунига зид бўлмаслиги керак.

**9.5.** Қуйидаги ҳолларда харид комиссияси танловни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиши мумкин:  
 – танловда битта иштирокчи иштирок этган ёки ҳеч ким иштирок этмаган тақдирда;  
 – таклифларни кўриб чиқиш яқунлари бўйича харид комиссияси барча таклифларни танлов ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги туфайли рад этган тақдирда.

**9.6.** Ғолиб чиққан таклиф акцептигача буюртмачи исталган пайтда танловни бекор қилиши мумкин. Танлов бекор қилинган тақдирда буюртмачи махсус ахборот порталида бундай қарорнинг асосли сабабларини чоп этади.

## **10. ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШ**

**10.1.** Танлов натижаларга кўра, танловда ғолиб деб саналган ташкилот билан буюртмачи шартнома танловда қўйилган шартнома нусхасида ёзилган шартлар асосида тузилади.

**10.2.** Харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган танлов иштирокчиси буюртмачидан тегишли ёзма хабарнома олади ва 3 иш кунида Шартнома имзоланади.

**10.3.** Танлов ғолиби танлов шартлари бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, шартнома тузиш ҳуқуқи заҳирадаги ижрочига ўтади. Бунда заҳирадаги ижрочи танлов ғолиби таклиф қилган нархларда шартнома тузиши ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.



## 11. ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ

11.1. Шартнома Буюртмачи ва Танлов ғолиби ўртасида икки нусхада тузилади.


11.2. Шарномада кўрсатилган нарх энг охириги нарх бўлиши ҳамда шартноманинг амал қилиш муддати тугагунга қадар ўзгармаслиги керак.

11.3. Шартнома шартлари буюртмачининг шартнома намунасида кўрсатилиб ўтилган.

11.4. Шартномани амалга ошириш жараёнида юзага келадиган низолар музокаралар йўли билан ҳал этилмаган тақдирда, Томонлар Тошкент туманлараро хўжалик судига мурожаат қилишлари керак.

**Ишлаб чиқди:**

**Резидентларни рўйхатга олиш ва  
мониторинг қилиш бўлими бошлиғи**



**Л. И. Худаев**

**Келишилди:**

**Директор биринчи ўринбосари**



**А. А. Хафизов**